

Более 30 участников делегатов из стран Европы и Азии, 17 лекторов из стран дальнего и ближнего зарубежья впервые на узбекской земле объединили свои усилия для продвижения инновационных технологий и формирования наиболее эффективной системы оказания стоматологической помощи.

Была организована культурная программа по ознакомлению с Ташкентом и Самаркандом, с посещением пригородных районов, зон и парков отдыха, музеев, выставок и театров.

После выполнения намеченной программы очередной 4-й научно-практический Евроазиатский симпозиум по челюстно-лицевому протезированию с участием зарубежных ученых на тему: «Актуальные проблемы челюстно-лицевого протезирования и ортопедической стоматологии», приуроченный к 115-летию выдающегося стоматолога современности проф. В.Ю. Курляндского в Ташкенте (Республика Узбекистан), завершил свою работу.

ЎЗАР ОИМИЙ-АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР АЛМАШИНУВИ – СОХАНИНГ РИВОЖЛАНИШ НЕГИЗИДИР

Нигматов Р.Н.

Тошкент давлат стоматология институти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор, 2018-йил 5-июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Бошқирдистон давлат тиббиёт университети билан тузилган меморандум асосида Тошкент давлат тиббиёт институти Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси раҳбарияти томонидан таклиф қилинган олимлар - профессор ва ўқитувчилар билан биргаликда гибрид шаклдаги халқаро илмий амалий конференция ва мастер-синфи 1-2 май кунлари Тошкент давлат тиббиёт институтида ўтказилди.

«Ортодонтиянинг долзарб муаммолари» номли ушбу илмий-амалий конференцияни ташкил этишда институт ректори, профессор Н.К. Хайдаров томонидан 03.05.2023 йил чиқарилган 149/АФ – сонли буйруқ асосий ташкилий ролни ўйнади ва конференцияни ўтказишда институт томонидан барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилди.

Гибрид (онлайн ва офлайн) шаклдаги халқаро

илмий-амалий конференцияни ўтказилиши учун масъул этиб Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедра мудири, профессор Р. Нигматов тайинланди.

Тадбирга иштирокчиларни жалб этиш мақсадида семинар тўғрисидаги ахборот Тошкент давлат стоматология институти (ТДСИ) нинг расмий веб-сайтига ва барча ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди.

1 май 2023 йилда халқаро илмий-амалий конференция ТДСИнинг маърузалар золида тантанали равишда очилди. Конференция ишида Бошқирдистон давлат тиббиёт университети (БДТУ) ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси мудири, профессор Аверьянов Сергей Витальевич ва кафедра доценти Галиулина Марина Владимировна, ТДСИ томонидан институтнинг болалар стоматология факультети декани, доц. Муқимов О., халқаро ҳамкорлик бўлим бошлиғи, т.ф.д., доц. Алимова Д.М. ҳамда ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси, ортопедик стоматология кафедраларининг профессор-ўқитувчилари, магистр ва клиник ординаторлар қатнашди.

Конференцияни ТДСИ ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси мудири, проф. Р.Н. Нигматов кириш ва табрик сўзи билан очиб берди.



Илмий-амалий конференциянинг очилиши.

Конференцияда ортодонтия соҳасига бағишланган долзарб масалалар бўйича онлайн ва офлайн шаклда маърузалар тингланди. Ушбу маърузалар болаларда учрайдиган тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ташхислаш, уларни ортодонтик ва комплекс усулда даволаш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича замонавий усул ва услубларга бағишланди. Конференцияда бир қатор маърузалар тингланди. Улардан:

1). Ҳар хил ёшдаги болаларда физиологик ва патологик прикус турларини аниқлаш. Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ташхислаш.

Маърузачи: Бошқирдистон давлат тиббиёт университети (БДТУ), Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси профессори Галиев Р.Г.

2). Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларининг этиологияси, патогенези ва олдини олиш.

Маърузачи: БДТУ Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси доценти Мингазаева А.З.

3). Ортодонтияда учрайдиган хато ва асоратлар.

Маърузачи: БДТУ Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси мудир, проф. Аверьянов Сергей Витальевич.

4). Болаларга тиш ва тиш қаторларини протезлаш. Суяк тўқимасининг ўсиши даврида болалар тишларини протезлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маърузачи: БДТУ Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси доценти Галиулина Марина Владимировна.

5). Тиш-жағ тизими деформацияларини даволашнинг асосий тамоиллари.

Маърузачи: БДТУ Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси доценти Рябых Любовь Алексеевна.

Чет эл олимлари билан бир қаторда ТДСИ Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси ходимлари томонидан ҳам қатор маърузалар тингланди. Булар: “Юқори тиш қаторини кенгайтирувчи турли хил ортодонтик кенгайтирувчи аппаратларнинг таъсирини қиёсий баҳолаш” (асс. Кодиров Ж.М.), “Болаларда алмашув прикус даврида кесишган прикус касаллигини ташхислаш ва ортодонтик даволашни такомиллаштириш” (асс. Акбаров К.С.), “Болаларда алмашув прикус даврида очик прикусни таққосий равишда ортодонтик даволаш” (асп. Аралов М.Б.) ва бошқалар.



Илмий-амалий конференциядан лавхалар.

2 май куни БДТУ Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси мудири, проф. Аверьянов Сергей Витальевич томонидан Маҳорат дарси (мастер-класс)

ўтказилди. Ушбу маҳорат дарси “Ортодонтик беморларни ўзига хос текшириш усуллари” ва уларни таҳлил қилишга бағишланди.





Махорат дарсидан лавҳалар.

Илмий-амалий конференция тугагач, Бошқирдистон Республикасидан келган меҳмонларга маъданий дастур бўйича Тошкент шаҳри ва унинг қўзга қўринган

саёҳатгохлари билан таништириш ташкил этилди.

Шу билан гибрид шаклдаги халқаро илмий амалий конференция ўз ишини яқунлади.